# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 13 ноябрь, № 220 (6150) Пайшанба


# БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ — ЭНГ УЛУҒ МАҚСАД



*Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Шу асосда кенг кўламли умуммиллий дастурлар доирасида улкан ишлар амалга оширилди.*

*Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.*




## 2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Айтиш жоизки, республикамизда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мустаҳкам асоси яратилган. Жумладан, бу соҳага оид бир қанча халқаро конвенция ратификация қилинган, ўндан ортиқ қонун қабул қилинган. Мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси талаблари, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий қилиш ва қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилаяпти.

Ўтган йиллар мобайнида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида юртимизда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган даволаш муассасаларининг мукаммал тизими вужудга келди. "Соғлом она — соғлом бола" дастури асосида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғуруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ташкил этилди. Бугунги кунда улар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда Оила йили, Соғлом авлод йили, Она ва бола йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустаҳкам оила йили номлари билан аталган йилларда кенг қамровли тадбирлар амалга оширилди. Ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми ҳисобланган 2014 йил — Соғлом бола йилида бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида жуда катта куч ва маблағ сарф этилаяпти. Биргина тиббиёт соҳасининг ўзида ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар кўлами буни яққол тасдиқлайди.


(Давоми 4-бетда).




## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

13 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилади.

12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталарнинг мажлислари ўтказилганлиги тўғрисида ва ўн олтинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорлар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг кўриб чиқилиши ҳамда тасдиқланишининг долзарблиги ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини ҳам қайд этдилар. Булар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# Участка сайлов комиссиялари шакллантирилди

*Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбир — давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига 37 кун қолди. Бугунги кунда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури асосида фаол иш олиб борилмоқда.*

## САЙЛОВ — 2014

Аёнки, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқаришда, хусусан, ўзига қулай жойда эмин-эркин овоз беришида сайлов участкалари фаолиятини пухта ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, сайловчиларга имкон қадар кўпроқ шарт-шароит яратиш мақсадида 9 мингдан ортиқ сайлов участкалари ташкил қилинди. Ҳозирги вақтда округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари шаклантирилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, участка сайлов комиссияси беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилди.

— Округимизда парламент сайловига тайёргарлик ишлари календарь режаси асосида қатъий олиб борилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 15-Хўжаобод округ сайлов комиссияси раиси Мадаминжон Арзиев. — Ҳудудимизда 63 та сайлов участкаси 159,3 минг нафар сайловчига хизмат кўрсатади. Округ сайлов комиссияси таркиби 9 нафар партиясиз, сайлов жараёни бўйича муайян тажрибага эга, обрўли шахслардан ташкил топган. Олдимизда турган вазифаларимиз тақсимлаб олинган бўлиб, кундалик фаолиятни шу асосда олиб бормоқдамиз. Комиссиямиз ишлайдиган хоналар сайлов қонунчилигида белгиланган тартибда жиҳозланиб, техника воситалари, зарур адабиётлар билан таъминланган. Бугунги кунда округ сайлов комиссияси аъзолари тузилган сайлов участкалари билан танишиб, уларда тўлақонли фаолият олиб бориш учун зарур шароитлар яратилиши масалаларига жиддий эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, сайловчиларга қулайлик яратиш учун сайлов участкаси жойлашган манзилларга олиб борувчи йўлларга кўрсаткичлар ўрнатилиб, сайлов қонунчилигига оид плакатлар, сайловчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги тарғибот воситаларини жойлаштириш ишлари кетаяпти.


(Давоми 2-бетда).


8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН




# Хусусий мулкнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

*Маълумки, юртимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири — тадбиркорликни кенг ривожлантириш, ушбу фаолият билан шуғулланаётган субъектларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга доир ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Бу борада хўжалик судлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборлидир. Зеро, кейинги йилларда хўжалик судлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилдики, бу тадбиркорлар учун қўшимча қулайликлар яратиш баробарида, нодавлат сектор фаолияти ривожида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси Козимжон КАМИЛОВ билан шулар хусусида суҳбатлашди.*

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор нормаларида мулк ҳуқуқи дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган, — деди К. Камилов. — Ўтган давр мобайнида конституциявий норма ва тамойиллар асосида 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилдики, бу пировард натижада тадбиркорлик ривожида муҳим кафолат бўлмоқда. Бинобарин, мазкур ҳужжатларда фуқароларнинг тадбиркорлик соҳасида эркин иштирок этиши учун барча кафолат ва шартлар мустаҳкамлаб қўйилган, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилган. Бу амалда қандай самара бераётгани ҳаммага маълум — иқтисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан, тадбиркорлик соҳаси изчил ривожланмоқда. Ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида биргина жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 52,9 фоизга, саноатда 31,1, инвестицияларда 33,2, пуллик хизмат кўрсатишда 47, бандлик соҳасида эса 76,5 фоизга етгани ҳам ана шундан далолат беради.


(Давоми 2-бетда).


Транспорт-логистика:

# Изчил ривожланиш ва салоҳият



*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Транспорт ва логистика — TransUzbekistan — 2014" XI халқаро кўргазмаси иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон халқаро экспедиторлар ҳамда Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмалари, шунингдек, "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.*

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, транспорт ва логистика глобал иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан ҳисобланади. Шу маънода, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожи кўп жиҳатдан транспорт-коммуникация тизимининг қанчалик тараққий этганига боғлиқ. Қувонарли жиҳати, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида транзит бозори тобора тараққий этаётган давлатлар сирасига киради. Гап шундаки, юртимизда ушбу йўналишда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли тармоқда замонавий технологияларга асосланган инфратузилма шаклландики, бунда Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур ҳужжат доирасида ишлаб чиқилган дастурга биноан, 2306 километр узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш режалаштирилгани, айни пайтда "Мароқанд — Қарши", "Қарши — Термиз" сингари серқатнов темир йўлларни электрлаштириш лойиҳалари жадал рўёбга чиқарилаётгани ана шундан далолат беради.

Буларнинг бари, ўз навбатида, хорижий сармоядорлар ва мутахассисларнинг республикамизга қизиқишини оширмоқда. Жорий йилги тадбирда Германия, Грузия, Россия, Ҳиндистон, Эрон, Италия, Хитой, Латвия, Литва каби давлатлардан 50 га яқин компанияларнинг вакиллари қатнашаётгани бунинг тасдиғидир. Кўргазмада Болтиқбўйи мамлакатлари, айниқса, фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Латвиянинг 12 та компаниясидан иборат миллий гуруҳи ўзларининг юкни юклаш, ташиш ва тушириш ускуналарини, умуман, логистика салоҳиятини жамоатчиликка кенг намойиш қилмоқда.

Эстониянинг "Transgroup Systems L.P" компанияси томонидан ташкил этилган стенд ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Шу компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси бўлими бошлиғи Алена Галимованинг айтишича, мазкур кўргазма фаолиятни кенгайтириш учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Чунки мамлакатимиз темир йўл тизимида жуда кўп ўзгаришлар рўй бераяпти. Жумладан, мавжуд йўллар замон стандартларига мослаштирилиб, янги линиялар қурилмоқда. Бу — келгусида айнан темир йўлларда юк ташиш ва вагонларни ижарага беришга ихтисослаштирилган "Transgroup Systems L.P" компанияси хизматларига талаб янада ортади, деганидир.


(Давоми 2-бетда).

# Участка сайлов комиссиялари шакллантирилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда участка сайлов комиссиялари таркибларини шакллантириш бўйича вазифалар якунига етди. Улар ҳудуддаги сайлов жараёнини ташкил қилишга киришди. Ҳозир сайловчилар, хусусан, сайлов кунида бевосита овоз бериш имкониятига эга бўлмаганлар рўйхати тузиб чиқилмоқда.

— Бу йилги сайловлар, шубҳасиз, мамлакатимиздаги демократик янгиланиш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 120-Шаҳрисабз округ сайлов комиссияси раиси Бахтиёр Хуррамов. — Округ тасарруфида 65 та сайлов участкаси тузилган бўлиб, уларнинг бир қисми узоқ тоғли ҳудудларда ташкил қилинди. Шуни айтиш керакки, 166,7 минг сайловчи иштирок этиши кутилаётган сайловларни ташкил қилишда очиқлик, ошкоралик ҳамда транспарентликни таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратилган. Ҳозирги босқичда участка сайлов комиссиялари шакллантирилди. Биз уларни зарур воситалар — компьютер, факс, нусха кўчириш аппаратлари ва бошқа жиҳозлар, шунингдек, сайловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда тегишли қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаяпмиз. Тоғли жойларда кичик радиостанциялар ташкил этилмоқда. Сайловлар қиш мавсумининг энг қисқа кунига тўғри келаётганлигини ҳисобга олиб, овоз бериладиган жойларнинг кенг ва ёруғ бўлиши, хоналарнинг иссиқлиги, очиқ ҳамда қулайлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайлов участкаларини жойлаштиришда йўл ва коммуникация тармоқлари қулай бўлган, аҳолига яқин жойлар танланган.

— Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар тобора яқинлашмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 80-Бўстонлиқ сайлов округи раиси Ҳикматилла Султонов. — Айни шу масъулиятли паллада сайловни амалдаги қонун талабларига мувофиқ тарзда, юқори даражада ўтказишга хизмат қилувчи муҳим ташкилий-тайёргарлик жараёнлари қизғин давом этаётир. Буни округимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Округимиз Бўстонлиқ тумани ҳудудини тўлиқ ҳамда Юқори Чирчиқ туманининг 4 та қишлоқ фуқаролар йиғинини ўз ичига олган бўлиб, сайловчилар сони 146,1 минг кишидан иборатдир. Шу асосда округимиз таркибида 61 сайлов участкаси тузилди. Участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантириш ишлари якунига етди. Сайлов участкалари зарур бино, ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланди. Сайлов комиссиямиз аъзолари билан белгиланган режа асосида ҳар куни 10-15 та сайлов участкасида бўлиб, у ердаги ташкилий-тайёргарлик ишлари билан танишаяпмиз, зарур ҳолларда уларга амалий кўмак кўрсатмоқдамиз. Сайлов участкалари таркибига эл орасида обрў-эътиборга эга бўлган, аввалги сайловларни ўтказишда ҳам фаол қатнашиб, тажриба орттирган фуқаролар жалб этилди. Уларнинг аксарият қисми ўқитувчи ва мураббийлар, тиббиёт ходимлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, фермерлар, тадбиркорлар ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари вакилларидан иборатдир.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# БАҒРИКЕНГЛИК — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Тошкент ислом университетида “Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик — жамият барқарорлиги гарови” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда вазирлик ва идоралар, диний конфессиялар вакиллари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, хорижлик экспертлар, олимлар, олий таълим даргоҳлари ўқитувчилари ва талабалар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О. Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У. Алимов, Тошкент ислом университети ректори Р. Абдуллаев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К. Пиккат, Тошкент ва Ўзбекистон митрополити Викентий ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда виждон эркинлиги таъминланаётгани, миллий ва диний қадриятлар эъзозланаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун диний бағрикенглик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Юртимизда ўн олти диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини равнақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилаётир. Улар ўз диний байрамлари ва эътиқод амалларини эмин-эркин адо этмоқда.

Республика Байналмилал маданият маркази барча фуқароларнинг миллий қадриятларини ривожлантириш, уларнинг ўзаро аҳиллиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Бугун юртимизда бир юз қирқдан зиёд миллий-маданий марказлар самарали фаолият кўрсатмоқда.

— ЮНЕСКО миллатлараро тинчлик ва тотувликни сақлашга алоҳида эътибор билан қарайди, — деди ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат. — 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида Бағрикенглик тамойиллари тўғрисидаги декларация қабул қилинган. Шундан буён мазкур сана инсониятни бағрикенгликка, тинчлик ва осойишталикни сақлашга ундаш мақсадида Халқаро бағрикенглик куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Мазкур конференция бутун дунё учун ғоят долзарб мавзуга бағишлангани билан аҳамиятли бўлди. Анжуман бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашга оид бугунги куннинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш имконини берди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган можароларга теран кўз билан қарашимиз, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраб-авайламоғимиз зарур.

— Ўзбекистонга келиб, мамлакатингиз ҳақидаги тасаввурим янада бойиди, — деди Шанхай ижтимоий фанлар академиясининг Динлар институти директори Ян Кэцзя. — Юртингизда одамлар тинч-хотиржам яшамоқда, ўз орзулари, интилишларини эмин-эркин амалга оширмоқда. Мусаффо осмонингиз, меҳнатсевар ва саодатли халқингиз ҳавас қилгулик. Бу — жамиятда тинчлик-тотувликни таъминлашга қаратилган, демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган давлат сиёсати самарасидир. Кўплаб мамлакатлар бундай тизимдан ўрнак олса арзийди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистондаги миллатлар ва диний конфессиялараро аҳиллик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити инсон омилига устувор эътибор қаратиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида Ўзбекистонда барча диний конфессиялар ўз анъаналари ва удумлари, маросимларини бемалол адо этиб келмоқда, — дейди Немис евангель-лютеран черкови епископи Корней Вибе. — Жамиятимиздаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-мурувват, эзгулик муҳити тинчлик ва осудалик, фаровонликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Конференцияда тинчликни мустаҳкамлашда диний бағрикенгликнинг ўрни, уни мустаҳкамлашнинг ижтимоий ва илмий-назарий асослари, дунё динлари манбаларида бағрикенглик тамойиллари, динлар ва ижтимоий ҳамкорлик, глобаллашув шароитида толерантлик, ёшларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлар ва динлараро тотувликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибасининг аҳамиятига бағишланган маърузалар тингланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

АНЖУМАН

*Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва “Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки ҳамкорлигида матбуот анжумани ўтказилди.*

# Давлат дастури ижросида банкларнинг иштироки

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси бўйича банк тизими томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, тижорат банклари раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотлари, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, банклар томонидан “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида ишбилармонлар учун қулай инвестициявий муҳит яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини кенгайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Кредит маблағлари, биринчи навбатда, бошланғич сармояни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш лойиҳаларини молиялашга йўналтирилаяпти. Натижада жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида соҳа субъектларини қўллаб-қувватлаш учун берилган кредитлар ҳажми 2013 йилдагига нисбатан 1,3 баробар ўсиб, 8 трлн. сўмга етди. Шундан 1,7 трлн. сўми микрокредитлар бўлиб, бу ўтган йилдагига нисбатан қарийб 1,4 баробар кўпдир.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини йўлга қўйиш учун 180,1 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Унинг салмоқли қисми саноат ва инфратузилма нисбатан ривожланмаган туманлардаги таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес-режалари ижросига йўналтирилгани диққатга сазовордир.

Давлат дастурига биноан, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Кўрсатилаётган молиявий кўмак, айниқса, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Шу боис иқтисодиётимизнинг ушбу жабҳаларига йўналтирилган маблағлар ҳажми аввалги йилнинг тегишли давридагига нисбатан 1,5 баробар кўпайтирилиб, 170,4 млрд. сўмга етказилди. Банкларнинг кредитларидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси вакиллари, тадбиркор аёллар ҳам унумли фойдаланиб, ўз фаолиятини кенгайтиришга муваффақ бўлишаяпти.

Анжуманда Давлат дастурига мувофиқ, “Трастбанк” хусусий акциядорлик биржа банки томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Транспорт-логистика:

# Изчил ривожланиш ва салоҳият





(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкент вилоятида жойлашган “Universal Logistics Services” терминали ҳақида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Негаки, ҳозирги кунда республикамиздаги энг йирик замонавий терминаллардан бири ҳисобланган ушбу корхона хизматларидан ўнлаб мижозлар унумли фойдаланмоқда.

— Бугунги кунда Ўзбекистон ҳар бир соҳада, хусусан, транспорт-коммуникация йўналишида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқда, — дейди Хитойдаги “Qingdao Huachi Ture Co. Ltd.” компаниясининг савдо бўйича менежери Мэн Сяньцин. — Бунга кўргазма давомида яққол гувоҳ бўлаяпмиз. Қолаверса, юртингиз қадимдан Буюк Ипак йўли орқали минтақалараро алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келган. Эндиликда эса бу борадаги ишлар замонавий услубда, такомиллашган транспортлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда эса навбатдаги кўргазма қўл келиши, шубҳасиз. Биз ҳам шу мақсадда ўзимизнинг юк ва енгил автомобиллар учун мўлжалланган шиналаримизни иштирокчиларга тавсия қилаяпмиз.

Қизғин мулоқот ва манфаатли келишув майдонига айланган “Транспорт ва логистика — TransUzbekistan — 2014” халқаро кўргазмаси жорий йилнинг 14 ноябрига қадар давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ
олган суратлар.

# Хусусий мулкнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талаблари асосида қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари хусусий секторнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан асоссиз аралашувларни чеклаш орқали соҳани ривожлантиришда дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йилдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини, рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш чора-тадбирларига доир фармонлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида янги босқични бошлаб берди.

Эндиликда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига риоя қилинаяпти. Содда қилиб айтганда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилмоқда. Шунга мос ҳолда, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун судларга мурожаат қилиш билан боғлиқ харажати миқдори қонунда белгиланган давлат божининг 50 фоизини ташкил этади.

*— Амалиётга киритилган бу янгиликлар бевосита тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилувчи орган — хўжалик судлари фаолиятида қандай акс этмоқда?*

— Аввало, ушбу ўзгаришлар хўжалик судлари зиммасига катта масъулият юклаганлигини айтиш зарур. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш борасида белгиланган вазифаларни янада такомиллаштириш кун тартибига қўйилди. Шу боис ҳозирги пайтда хўжалик судлари тизимида муайян ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Натижада фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда уларнинг суд тизимига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Шу ўринда айрим мисолларни келтирмоқчиман: жорий йилнинг 9 ойи давомида хўжалик судлари томонидан 176 мингдан зиёд низо ҳал этилди. Тадбиркорларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун қулайликлар яратиш мақсадида 51 мингдан ортиқ хўжалик ишлари бевосита жойларда — сайёр суд мажлисларида кўрилди. Даъвогарлар фойдасига жавобгарлардан 8,5 триллион сўм миқдоридаги маблағни ундириш тўғрисида қарорлар чиқарилгани ҳам диққатга сазовор. Қолаверса, хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид 19758 та иш кўрилиб, 213,5 миллиард сўм маблағни уларнинг фойдасига ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Давлат органлари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига хилоф равишда чиқарилган 254 та ҳужжат ҳақиқий эмаслиги исботланиб, 74 нафар айбдор мансабдор шахсга нисбатан тегишли чоралар қўлланилди.

*— Хўжалик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш ҳам тадбиркорлар манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади...*

— Албатта, бугун ҳар бир соҳани, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизими ривожини ҳам илғор ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу борада Президентимизнинг қатор фармонлари ҳаётга татбиқ этилиб, хўжалик судларида электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилганини айтиш ўринлидир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, 2013 йил 1 январдан хўжалик судларида даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда қабул қилиш тартиби татбиқ этилди. Бугун тадбиркорлар хўжалик судларига мурожаатларни электрон шаклда юборишдан ташқари, суд ҳужжатларини электрон воситалар орқали қабул қилиб олмоқдалар. Бу уларга қулайлик яратиш баробарида, вақти ва маблағини тежашда ҳам асқатмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг расмий веб-сайтида даъво аризалари ва илтимосномаларни қабул қилишга мўлжалланган марказлаштирилган электрон дастурий таъминот самарали ишлаб турибди. Тадбиркорлар ушбу дастурий таъминот орқали юртимизнинг исталган хўжалик судига даъво аризалари ва илтимосномаларни, шу билан бирга, апелляция ва кассация шикоятлари, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризаларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда юборишмоқда. Уларнинг сони тобора кўпайиб бораётгани бу дастурий таъминот нечоғли қулай эканлигидан далолат беради. Масалан, жорий йилнинг 9 ойида хўжалик судларига электрон шаклда юборилган мурожаатлар ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар сони аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 45 баравар ошди. Бу эса ушбу даврда хўжалик судларига келиб тушган даъво аризалари ва аризаларнинг 15 фоизи электрон шаклда эканлигини кўрсатади.

Буларнинг барчаси хўжалик судлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, судга мурожаат қилган ҳар қандай ҳуқуқи бузилган шахснинг ортиқча оворагарчилигига чек қўйиш, харажатларни камайтириш, судда ишларни ташкил этиш, низоларни ҳал қилиш тартибини соддалаштириш, процессуал муддатларни қисқартириш имконини бермоқда.

*— Суд мажлислари видеоконференцалоқа режимида ўтказилаётгани қандай самара келтирмоқда?*

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шу йилнинг 1 сентябридан суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш йўлга қўйилди. Бу кўплаб қулайлик ва афзалликларга эга. Аввало, узоқ йўл босиб, суд мажлисига бориш ва ортиқча харажатларнинг олди олинди. Гап шундаки, энди хўжалик ишини кўраётган суд мажлисига қатнашиши лозим бўлса, бошқа ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъекти вакили шу судга келмасдан ўзлари жойлашган ҳудуддаги хўжалик суди биносига келиб, видеоконференцалоқа тизими орқали суд жараёнида қатнашади. Бунинг учун хўжалик судларида суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш имкониятини берувчи барча техник ускуналар ўрнатилган.

Таъкидлаш жоизки, видеоконференцалоқа тизими нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки суд муҳокамасида иштирок этувчи барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органлари вакиллари учун ҳам фойдалидир. Мазкур тизим ишга тушганидан буён 506 та суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида амалга оширилди. 1063 нафар суд иштирокчиси ўзлари жойлашган ҳудудлардан чиқмаган ҳолда, видеоконференцалоқа режимида ўзга ҳудудда ўтказилган масофавий суд процессларида қатнашди ва улар сарф қилиши лозим бўлган йўл ҳақи ҳамда бошқа харажатлар — ўртача 259 миллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди.

Видеоконференцалоқа тизими Олий хўжалик суди томонидан хўжалик судлари фаолиятини ташкиллаштириш ва унинг устидан назорат ва мониторинг олиб борилишида ҳам қўл келмоқда. Зеро, ушбу тизим бошқа ҳудудлардаги суд жараёнини кузатиб бориш, масофавий йиғилиш, семинар ва конференциялар ўтказиш, уларда қуйи хўжалик суди судьяларининг масофадан туриб иштирок этиши учун шароит яратмоқда.

Суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган хўжалик суди суд жараёни пайтида иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари вакиллари ваколатларини тасдиқловчи ишончномалар, шунингдек, суд мажлисида тақдим этилган ёзма далилларнинг ишни кўраётган хўжалик судига юборилишини таъминлайди.

*— Мулкдор ҳуқуқлари устуворлиги принципи билан боғлиқ суд амалиётининг натижалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз...*

— Мамлакатимиз Конституциясида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар ўртасида, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш хўжалик судлари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, бу борада муайян натижалар қўлга киритилмоқда.

Мулкдор ҳуқуқлари устуворлиги принципи ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келадиган масалаларда тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишда реал ҳуқуқий асос бўлганини қайд этиш жоиз. Суд амалиётида ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига риоя қилинмоқда, яъни унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилмоқда. Айни пайтда ушбу принципнинг мавжудлиги халқаро миқёсда ҳам давлатимизнинг тадбиркорлик субъектларига нисбатан доимий ҳамда устувор эътиборини ифодаловчи кўрсаткич сифатида баҳоланмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, хўжалик судлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар судлов сифати ва самарадорлигини юксалтириш орқали тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш имконини бераяпти. Натижада учинчи секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора кўпайиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошмоқда. Зеро, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг тўкис ва бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашдан иборатдир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**суҳбатлашди.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Италия шимолидаги Лигури, Пьемонта, Тоскана, Кьявари шаҳарларида тинимсиз ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди.*

## Кучли ёғингарчилик



“Евроньюс” телеканали хабарига қараганда, Лигурида ўн икки соат ичида ёғингарчилик миқдори 200 миллиметрга етганлиги боис кўчкилар содир бўлган. Кьявари шаҳрида эса қарийб 30 минг нафар аҳоли вакили ичимлик суви таъминотидан узилиб қолди.

Тошқин талафотларини бартараф этишга дастлаб қутқарувчилар ва ўт ўчириш хизмати ходимлари жалб қилинган эди. Энди уларга ҳарбийлар ҳам кўмаклашаяпти.

Мамлакатда кучли ёғингарчилик давом этмоқда. Шу боис маҳаллий аҳоли эҳтиёткор бўлишга чақирилган.

## Янгиланишлар натижаси

*Буюк Британиянинг “Vodafone” мобиль алоқа оператори жорий йилда 11,6 — 11,9 миллиард фунт-стерлинг атрофида даромад олишини билдирди.*




Бу аввал тахмин қилинганидан бир оз кўп. Манбада изоҳланишича, компания кейинги пайтларда алоқа сифатини яхшилаб, интернет тармоғига уланиш тезлигини оширган ҳамда телевидение соҳасида янги хизматларни жорий этган. Айни шу жиҳатлар унинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланишига хизмат қилиши мумкин. Мазкур хабар тарқалиши билан “Vodafone” акциялари нархи 4 фоиз ошди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ушбу компания нуфузи жиҳатидан жаҳонда иккинчи, Европада эса етакчи ҳисобланади.

## Машҳур компаниянинг яна бир корхонаси

*Франциянинг “Renault” автомобилсозлик компанияси Европа бозоридаги паст рентабеллик ўрнини бошқа қитъаларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали оширмоқчи.*




Шу мақсадда у яқинда Жазоир (Африка)да янги заводни ишга туширди. Маълум қилинишича, бу ерда “Symbol” русумидаги машиналар ишлаб чиқарилади. Унинг қуввати йилиги 25 минг дона автомобиль йиғишга мўлжалланган. Кейинчалик бу кўрсаткични 75 минг донага етказиш кўзда тутилган. Маҳсулотлар фақат ички бозорда сотилади.

“Renault”, шунингдек, 2013 йилда Марокашда йилига 100 минг дона автоулов ишлаб чиқариш қувватига эга корхонани фойдаланишга топширган эди. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг 90 фоизи экспортга йўналтирилади.

## Қидирув ишлари тўхтатилди

*Жанубий Корея суди шу йил 16 апрель куни ҳалокатга учраган “Севол” йўловчи кемаси капитанига 36 йил қамоқ жазоси белгилади.*



Бундан ташқари, унинг 13 нафар экипаж аъзоси 5 йилдан 20 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ушбу мудҳиш фожиа юз берган вақтда кемада 476 нафар одам бор эди. Улардан 172 нафари қутқариб қолинган. Уч юз нафардан ортиғи эса ҳаётдан кўз юмган. Бир неча киши бедарак йўқолган. Куни кеча уларни қидириш операцияси якунланди.

“Севол” кемаси нима сабабдан ҳалокатга учрагани ҳамон ошкор қилингани йўқ.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## Qishloq Qurilish Bank

*Бугун мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида хусусий секторнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кўплаб истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш имконини бераётир. Табиийки, мазкур жараёнда молия муассасалари томонидан ажратилаётган сармоялар ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти.*

### «Қишлоқ қурилиш банк»:
# Ишбилармонларнинг синалган ҳамкори

Хусусан, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки ҳозирги кунда маҳаллий ишбилармонларимизнинг яқин ва синалган ҳамкори саналади. Негаки, ушбу молия муассасаси томонидан тадбиркорларнинг қишлоқ жойларда саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга доир бизнес-режалари мунтазам молиялаштириб келинаяпти.

Банкнинг Фарғона минтақавий филиалининг айни шу йўналишдаги фаолияти, айниқса, эътирофга лойиқ. Сабаби, бу ерда кичик бизнес субъектларига берилаётган кредитлар, энг аввало, иқтисодиётни юксалтириш, хотин-қизлар ва коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш каби долзарб вазифалар ижросига йўналтирилаяпти.

— 2006 йилда енгил саноат соҳасида фаолият бошлагандик, — дейди “Тож” хусусий корхонаси раҳбари Гулнора Юнусова. — Ўтган даврда ўз маҳсулотларимиз билан харидорлар эътиборини қозондик. Бунда яқин ҳамкоримиз — “Қишлоқ қурилиш банк” Фарғона минтақавий филиалининг молиявий кўмаги қўл келди. Бугунги кунда ички бозор талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиб, фаолиятимизни кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Шу мақсадда бизнес лойиҳа тузиб, яна филиалга мурожаат этдик. Мутасаддилар бизни қўллаб-қувватлагач, қисқа муддатда ажратилган 100 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳисобидан корхонамизда кийим-кечак маҳсулотлари тури ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга муваффақ бўлдик. Харид қилинган янги хорижий тикув дастгоҳларини яқинда жамоамиз сафига қўшилган 15 нафар мутахассис моҳирлик билан бошқармоқда. Албатта, бу юртимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулай ишбилармонлик муҳити самарасидир. Келгусида ҳам бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришни мўлжаллаб турибмиз.

Айтиш жоизки, 1996 йилда ташкил этилган банк филиалида 62 нафар малакали ходим мижозларга замонавий хизматларни кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида унинг соф активлари 92 млрд. 393,9 млн. сўмни ташкил этгани шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир, албатта.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, қатъий депозит сиёсати юритилгани туфайли, мавжуд ресурс базаси мустаҳкамланди. Яъни шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, филиалдаги жами омонатлар суммаси 15 млрд. 148,06 млн. сўмга, кредит портфели миқдори эса 78 млрд. 426,2 млн. сўмга етди. Ўз навбатида, узоқ муддатли кредитлар 77 млрд. 14,7 млн. сўмни ташкил этди.

Маълумки, қишлоқларимиз инфратузилмасини ривожлантириш ва қиёфасини тубдан ўзгартириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Мақсад — юртдошларимизнинг янада фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш. Шу боис Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Фарғона минтақавий филиали жамоаси ҳам молиявий жиҳатдан кўмак бериб келмоқда. Жумладан, 2009 — 2014 йилларда унинг кредитлари эвазига вилоятда намунавий лойиҳалар асосида 895 та тураржой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қисқаси, филиал ходимлари мижозларга намунали банк хизмати кўрсатишни такомиллаштира бориб, “Соғлом бола йили” Давлат дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш ҳамда юрт равнақи ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 20 октябрдаги 1413/14893-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уйда жойлашган, тўққиз қаватли бинонинг 1-2- қаватининг бир қисми, уч қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисми ва 2-3- қаватлари (маъмурий бино «А» блок — умумий майдони 456,0 кв.м., ишлаб чиқариш биноси, «В» блок — умумий майдони 2503,0 кв.м., I блок маъмурий бино — умумий майдони 91,0 кв.м. жами майдони 3050,0 кв.м. ва ер участкасининг умумий майдони 4659,0 кв.м., ижарага берилган ер участкаси 2068,0 кв.м.)дан иборат бўлган кўчмас мулк биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 600 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

**Такрорий аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м. бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги ҳолати бўйича асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла, ёрдамчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, 2 та бостирмаси бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулло қишлоғи ҳудуди (собиқ Д.Тусметов кўчаси)да жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м., 2 қаватли, 2 та асосий биноси, 7 та ёрдамчи биноси, биринчи қаватидаги омборхонаси яшаш ҳолатига келтириб қайта таъмирланган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли, 5-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдон 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м.ли 4 та бино ва 2 та ҳовуздан иборат чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони 836 кв.м., 3 қаватли бино 1-қаватининг бир қисми бўлган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 506 820 000 сўм.***

**5.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдаланиш майдони 2898,3 кв.м.дан иборат ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.***

**6.** Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бинолар, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шохобчаси (кадастр ҳужжати бўйича ер майдони 0,29 га, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 га бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади).

***Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.***

**7.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қовоқ» ҚФЙ, Оқ олтин маҳалласида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 643 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м.дан иборат дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 107 760 000 сўм.***

**II.** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ойбек кўчасида жойлашган, умумий майдони 1,84 га бўлган (бино ва иншоотлар 0001-литердан 0003-литергача, 0004-литердан 00069-литергача қурилиши тугалланмаган ҳовуз ва иншоотлар)дан иборат болалар спорт-соғломлаштириш мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 674 274 672 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин Водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 19992 кв.м. бўлган (0001-литердан 0013-литергача бино ва иншоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013-литердан иборат қурилмалар, ҳужжатсиз) нотураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 3 239 768 715 сўм.***

**3.** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙда жойлашган «MAVLONBEK ALIBEK» МЧЖга қарашли ер участкасининг майдони 5,74 га.дан иборат 0001-литердан 0026-литергача бўлган ферма бино ва иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 833 531 140 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 11 571 кв.м., («А» блоки 3-16- қаватлари, «Б», «В», «Г» ва «Д» блоклардан) иборат бўлган қурилиши тугалланмаган нотурар ва тураржой бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 56 897 906 629 сўм.***

**III.** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани СИБ томонидан 2014 йил 7 июлдаги №10-1414/8413-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Маннон Уйғур кўчасида жойлашган, умумий майдони 10740 кв.м.дан иборат бўлган «Кўкча Оқтепа» бозори шохобчаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 450 000 000 сўм.***

Такрорий аукцион савдолари 2014 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдолари ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

1799R/562



**УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ**

**«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ**

**Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.**



UAZ Hunter



UAZ Patriot Picup

**ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР**

**ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР**



Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.

**Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.**

***Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!***



UAZ Patriot Limited



Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

1684A/830

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Тел./факс: (0-371) 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 27-уй.**



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази**

2014 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари жиҳозларини харид қилиш ҳамда таълим муассасаларига ўрнатиб бериш мақсадида ўтказилаётган тендер савдоларининг натижаларига кўра, тендер комиссияси томонидан 5, 6, 7, 9 ва 10-лотлар бўйича ғолиб, деб топилган корхоналар рўйхатини эълон қилади.

1. **«Мироб пласт барака» МЧЖ.**
2. **«Barkamol-biznes servis» МЧЖ.**
3. **«Metal Engineering Group» МЧЖ.**
4. **«Мироб пласт барака» МЧЖ.**
5. **«Metal Engineering Group» МЧЖ.**

1800R/906



IPOTEKA BANK

**Қўшимча маълумотлар бўйича:**

**«Ипотека-банк» Бош офиси**
**Манзил: Тошкент ш., Мустақиллик к., 17-уй.**
**Тел.: (0-371) 150-89-30**
**Факс: (0-371) 150-89-31.**

**«Ipoteka Invest Management» МЧЖ бошқарув компанияси, Тошкент ш., Истиқлол к., 9-уй.**
**Тел.: (+99895) 199-77-92.**

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!**

**«Ипотека-банк» сизларни ишлаб чиқариш комплексларини сотиб олиш бўйича ҳамкорликка чақиради ҳамда қуйидаги комплексларни таклиф қилади:**

**«Quvasoy naslli parranda» МЧЖ** — товуқ гўшти ва тухум ишлаб чиқариш комплекси.

*Корхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри.*

**«Valley Mountain's Fresh» МЧЖ** — сок, концентратлар ва томат пастаси ишлаб чиқариш комплекси.

*Корхона манзили: Фарғона вилояти, Учкўприк тумани.*

**«Катқалъатекс» МЧЖ** — пайпоқ ишлаб чиқариш ва мато тўқиш комплекси.

*Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани.*

1801R/463



**«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ**

**мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига Бухоро шаҳри Суд департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг 2014 йил 22 майдаги 2-26-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Захкаш қишлоғида жойлашган, «O‘ktam Sulton Invest Trasn» МЧЖга тегишли бўлган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

— маъмурий, ошхона, омбор бино-иншоотлари.
***Бошланғич баҳоси — 609 508 026 сўм.***

— хўжалик моллари савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 106 557 629 сўм.***

— молхона ва бошқа бино-иншоотлар мажмуаси.
***Бошланғич баҳоси — 1 053 274 894 сўм.***

Ушбу мулклар бўйича савдолар 2014 йил 27 ноябрь куни соат 11.00 да, 2014 йил 27 ноябрдаги кимошди савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 12 декабрь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига 1 кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ. Телефонлар: ( 0-365) 221-51-62.**

Хизматлар лицензияланган.

1795R/905




Буюк Британиянинг “Earth Times” онлайн-журналида “Орол қуришининг салбий оқибатлари ечимларини қидириш” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

# БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ — ЭНГ УЛУҒ МАҚСАД

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кеча пойтахтимизда ўз ишини бошлаган “Ўзбекистонда болалар соғлиғини муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари ва модернизацияси” мавзуидаги республикамиз педиатрларининг VII съездида ҳам ана шулар хусусида сўз борди. Анжуман очилишида парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, юртимиз тиббиёт муассасалари мутахассислари билан бирга, АҚШ, Германия, Россия, Жанубий Корея, Австрия, Словакия, Чехия, Польша, Ҳиндистон каби давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари, бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида глобал жараённинг фаол иштирокчиси сифатида 2000 йилда БМТнинг Мингйиллик саммитида мамлакатлар олдига қўйилган вазифаларни изчил амалга ошираётгани, уларни бажаришда кўплаб кўрсаткичлар бўйича етакчи эканлиги яна бир бор таъкидланди. Қабул қилинган декларация саккизта эзгу мақсадни ўз ичига олади. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, республикамиз 2015 йилгача мўлжалланган ана шу декларация мажбуриятларининг аксарият қисмини аллақачон адо этди.

Юртимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган улкан эътибор ҳақида кенгроқ тасаввур қилиш учун айрим рақамларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Авваламбор, бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган маблағ ва инвестициялар мисолида кўзга яққол ташланади. Агар 2012 йилда ушбу мақсад учун республикамиз давлат бюджети ҳисобидан 2,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2013 йили бу кўрсаткич 3,4 триллион сўмга етди. 2014 йилда эса соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш учун давлат бюджетидан 4,4 триллион сўм ажратилди.

Жорий йилда Инвестиция дастурига асосан, қарийб 407 миллиард сўмдан зиёд давлат бюджети маблағи ҳисобидан 137 та замонавий тиббиёт муассасасини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 60 ўринли болалар хирургия бўлими, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида даволаш корпуси каби ўнлаб шифохоналар тубдан реконструкция қилингани тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг миқёси ва кўлами нақадар кенг эканидан далолат беради.

Соғлом бола йилида соғлиқни сақлаш соҳасида яна бир эзгу саъй-ҳаракатга қўл урилди. Яъни Тошкент шаҳрида замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Ушбу марказни ишга тушириш 2017 йилга мўлжалланган бўлиб, бунинг учун жами 102,8 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Шунингдек, тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун жорий йилда хорижий молия институтларининг 28,5 млн. АҚШ доллари қийматидаги кредит ва грант маблағлари ажратилди.

Гап соғлом болани дунёга келтиришнинг асосий омиллари хусусида борар экан, албатта, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Уларнинг аввалги касалхоналардан фарқи шундаки, бундай марказларда ирсий хасталиклар билан туғилиш, ногиронлик ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Хусусан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология марказида мамлакатимиз миқёсида биринчилардан бўлиб бепуштликни даволашнинг ноёб усуллари қўлланила бошланди.

Перинатал марказларида эса ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини асрашга катта эътибор қаратилиб, ҳомиладорлик даврида муайян бир хасталик билан оғриган, муддатидан аввал туғуруқ хавфи мавжуд бўлган оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парваришланмоқда.

Айни чоғда бир килограммдан кам вазнда туғилган жажжи гўдаклар буткул соғломлаштирилаётгани бахтиёр оилалар сафини кенгайтирмоқда. Ваҳолонки, бундан 20 — 25 йил олдин тиббиётимиздаги шароитлар талаб даражасида бўлмагани туфайли ҳатто 1,5 килограмм атрофида туғилган болаларнинг ҳам яшаб кетишига ишончсизлик билан қараларди.

Жорий йилда ана шундай марказларда ҳомиладор аёлларда скрининг текширувлари ўтказилиши туфайли 4,6 мингга яқин ногирон болалар туғилишининг олдини олишга эришилди. Қолаверса, бугун турли аномалияли туғма хасталиклар жарроҳлик йўли билан муваффақиятли даволанмоқда.

Мазкур йўналишлар ижросига қаратилган ишларнинг узвий ва тизимли равишда олиб борилаётгани, албатта, соҳа ривожида, пировардида миллат саломатлигини асрашда долзарб аҳамият касб этаётир. Чунончи, мамлакатимизда 2010 йилда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат — “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги Қонун аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда дастуриламал бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги “Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди. Қарор ижроси доирасида қишлоқ жойларда яшовчи ҳомиладор аёлларни махсус поливитаминлар, хусусан, таркибида инсон ҳаёти учун зарур бўлган микроэлементлар комплекси билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ушбу мақсадга ҳар йили Давлат бюджетидан миллиардлаб сўм маблағ йўналтирилмоқда.

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда дунёнинг жуда кўп давлатлари ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларни қисқартиришга мажбур бўлаяпти, — дейди анжуман иштирокчиси, германиялик мутахассис Мейнрад Биир. — Ўзбекистонда эса, мана шундай мураккаб бир даврда ҳам, аҳоли саломатлиги ва турмуш фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилаётгани эътирофга лойиқ. Масалан, мен тиббиёт соҳаси мутахассиси бўла туриб, жаҳоннинг бирорта ерида ҳомиладор аёлларга давлат томонидан бепул поливитаминлар тарқатилиши ҳақида эшитмагандим. Чунки бу жуда катта маблағни талаб қилади. Ўзбекистонда эса бу борада амалга оширилаётган лойиҳалардан ҳайратга тушдим. Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган “ўзбек модели”нинг нақадар пухта ва ишончлиги эканлиги, юртингизнинг бугунги салоҳиятидан дарак беради.



Дарҳақиқат, эл саломатлиги йўлидаги ташаббусларнинг қамрови жуда кенг. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Соғлом бола йилида болаларни ўн битта хавфли касалликка қарши режали эмлаш янада изчиллик билан давом эттирилди. Эндиликда пневмококк, инсон папилломаси вируси каби хавфли инфекцияларга қарши икки хил янги вакцина билан босқичма-босқич эмлаш жорий қилиниши мўлжалланмоқда. Бу келажакда юқумли ва онкологик касалликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Болалар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида миллий эмлаш календарига яна бир вакцина — ротавирус вакцинаси киритилди ва жорий йилда қарийб 300 минг нафар бола эмланди, эмлаш қамрови 98,5 фоизни ташкил этди. Шунингдек, гепатит А ва В касалликларига қарши республикада 150 минг нафардан ортиқ бола эмланди.

Бундай тадбирлар натижасида полиомиелит, чақалоқлар қоқшоли, дифтерия, қизамиқ каби касалликларга чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди ва қатор юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари кескин камайди.

Махсус давлат дастури доирасида замонавий она ва бола скрининг марказлари тармоғи ташкил этилган 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,8 баробардан зиёд камайди. Сўнгги ўн йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметр ўсди. Шу билан бирга, бизнинг минтақамизга хос бўлган жиддий касаллик, яъни хотин-қизларда камқонлик даражаси 2,5 марта пасайди.

Комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йиллар давомида юртимизда оналар ва гўдаклар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайди. Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 7,5 йилга узайди. Албатта, ушбу ҳаётий мисоллар биз танлаган соғлиқни сақлаш модели қанчалик тўғри ва самарадорлигини яққол тасдиқлаб турибди.

Шу йилнинг 1 августида Президентимизнинг “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ана шу ҳужжат асосида мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш бўйича 5 йилга мўлжалланган қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Анжуман доирасида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази қатор бўлинмаларининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Бу ердаги бино ва иншоотлар нафақат ташқи кўриниши, балки замонавий шароитлари билан ҳам киши эътиборини тортади. Марказ таркибига кирувчи маслаҳатлашув-диагностика поликлиникасида чуқур тиббий кўрикдан ўтиш имконияти мавжуд. Неонталогия, кичик ёшдаги болалар патологияси, болалар неврологияси, пульмонология, кардиоревматология, гастроэнтерология, гепатология, аллергология ва иммунопрофилактика, туғма ва орттирилган лор аъзолари касалликлари, болалар хирургияси каби бўлимларда эса энг илғор тиббий хизматлар кўрсатилади. Марказ моддий-техник базасининг мустаҳкамлангани тиббиётда ноёб саналган операциялар, мураккаб текширув усулларини жорий этишга шароит туғдирди.

Айтайлик, болалар орасида туғма ва орттирилган эшитиш заифлиги деган касаллик бўлиб, мурғак қалб эгалари ушбу нуқсон туфайли бу дунёнинг бебаҳо неъматларидан бири — эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлиб қоладилар. Бундай хасталиклар бугунги кунда саноқли давлатлардагина даволанади. Фахрланарли томони, “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида 2014 йилдан бошлаб, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш заифлиги бўлган болаларда кохлеар имплантация операцияси йўлга қўйилди.

— Бу жуда ноёб ва мураккаб операциялардан бири бўлиб, аслида, катта маблағни талаб қилади, — дейди марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилором Аҳмедова. — Лекин давлатимизнинг болалар саломатлигига бўлган беқиёс ғамхўрлиги боис ана шундай хасталикка чалинган бемор ўғил-қизлар бепул шифо топаяпти. Масалан, ушбу мақсадларга давлат бюджетидан қарийб 7,0 млрд. сўм ажратилгани ва жорий йилнинг ўзида 112 нафар болада кохлеар имплантация операцияси амалга оширилгани бунинг яққол тасдиғир. Келгусида ҳам худди шу лойиҳа асосида ҳар йили 100 нафардан ортиқ бола реабилитация қилиниши кўзда тутилган. Буларнинг барчаси, албатта, Президентимизнинг оқилона сиёсати, истиқлол шарофатидир.

Хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ташкил этилган “Ўзбекистонда болалар соғлиғини муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари ва модернизацияси” мавзуидаги анжуманнинг расмий очилиш маросими “Туркистон” саройида бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчилари бу ерда мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ютуқларга бағишлаб ташкил этилган кўргазма билан танишдилар.

Хорижлик иштирокчилар Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялаш асосида қўлланилаётган янгича ёндашув улкан натижалар бераётганини, бу дунёнинг бошқа кўплаб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилишини ҳамда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат юксак самаралар бераётганидан далолат эканини таъкидлашди.

Уч кунга мўлжалланган анжуман доирасида, шунингдек, етакчи олим ва мутахассислар иштирокида сателлит-конференциялар, маҳорат дарслари ва жарроҳлик амалиётларини ўтказиш режалаштирилган.

Анжуман очилишига бағишланган маросимда санъат усталари ҳамда ёш ижрочиларнинг концерт дастури намойиш қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини асраш бўйича яратилган тизим ютуқлари акс этган ҳужжатли фильм намойиши бўлиб ўтди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**Фурқат САНАЕВ.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.


Эълон

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:
**1.** ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 18 сентябрдаги 1-2768-2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Беруний кўчаси, 35-уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 60,4 кв.м., 1979 йилда қурилган, 3 хонали хонадон.
***Бошланғич баҳоси — 24 763 336 сўм.***
**2.** Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 9 сентябрдаги 19-1404/12117-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Ҳаким ат-Термизий шоҳкўчаси, «Марказий» деҳқон бозори (озиқ-овқат) ҳудудида жойлашган, «Рузи Баҳовиддин» МЧЖга тегишли, умумий майдони 87,75 кв.м., 3 хонадан иборат, 2 қаватли савдо дўконининг 1-қаватидаги савдо дўкони биноси.
***Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм.***
**3.** ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 23 июндаги 1-1303-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Ҳаким ат-Термизий шоҳкўчаси, «Марказий» деҳқон бозори (озиқ-овқат) ҳудудида жойлашган, «Рузи Баҳовиддин» МЧЖга тегишли, умумий майдони 215,30 кв.м., 6 хонадан иборат, 2 қаватли савдо дўконининг 2-қаватидаги савдо дўкони биноси.
***Бошланғич баҳоси — 83 500 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 3 августдаги 19-1207/10586-сонли, 2011 йил 30 сентябрдаги 19-1107/14198-сонли, 2012 йил 11 сентябрдаги 19-1208/9665-сонли, 2012 йил 26 декабрдаги 19-1208/19736-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Амир Темур кўчаси, «Шўрчи 2530» давлат автокорхонаси ҳудудида жойлашган, шу автокорхонага тегишли, умумий майдони 317,44 кв.м., 2 қаватли шиномонтаж устахонаси.
***Бошланғич баҳоси — 33 272 900 сўм.***
Аукцион савдоси 2014 йил 15 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 12 декабрь куни соат 18.00.

**III.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:
**1.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 11 мартдаги 1-458-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Жалоир маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 48,64 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат дорихона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 15 770 000 сўм.***
**2.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 8 октябрдаги 1-1190-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, «Қумқўрғон» ҚФЙ, Чаёнтепа маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 141,61 кв.м. бўлган, 1-қаватда жойлашган, 9 хонадан иборат тураржой, бостирма, ҳожатхона, омборхона бинолари.
***Бошланғич баҳоси — 45 300 000 сўм.***
**3.** Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 13 августдаги 19-1306/5790-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Сурхон Соҳили (М. Қорабоев) маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 489,04 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 36 хонадан иборат даволаш биноси, ҳожатхона, омборхона бинолари.
***Бошланғич баҳоси — 134 130 000 сўм.***
**4.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 23 сентябрдаги 1-1181-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Янги шаҳар маҳалласи, Ибн Сино кўчаси, 2/7-уйда жойлашган, умумий майдони 67,59 кв.м. бўлган, 2-қаватда жойлашган, 3 хонадан иборат уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 33 500 000 сўм.***
**5.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 11 мартдаги 1-452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Оқсой маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 60,46 кв.м. бўлган, 2-қаватда жойлашган, 1 хонадан иборат савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 63 675 345 сўм.***
**6.** ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2008 йил 29 сентябрдаги 1-1361-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Сурхон Соҳили маҳалласи, Ҳамид Олимжон кўчаси, 9-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 512,30 кв.м., 1 қаватли, 1971 йилда қурилган (А, А1, Б, В, Г, Д, Е, Ж, З-литерлардаги) хонадон (уй-жой) ва қўшимча бинолар.
***Бошланғич баҳоси — 5 143 338 сўм.***
**7.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 17 июндаги 1-1492-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, «Оқжар» ҚФЙ, Оқсой маҳалласида жойлашган, умумий майдони 306,33 кв.м., 1 қаватли, 2008 йилда қурилган, А, Б, В, Г, Д, Е, Ё, Ж-литерлардаги маъмурий, ҳожатхона, ҳаммом, ошхона, 2 та бостирма биноси ҳамда дарвоза ва девор тўсиқ.
***Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм.***
**8.** ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2014 йил 24 мартдаги 02-08-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Азларсой маҳалласида жойлашган, умумий майдони 2516,22 кв.м., 1 қаватли, 1975 йилда қурилган, А, Б, В, Г-литерлардаги маъмурий, савдо дўкони, қоровулхона ва ҳожатхона бинолари.
**Бошланғич баҳоси — 112 868 171 сўм.**

**VI**. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 30 апрелдаги 19-1403/2337-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Ҳаким ат-Термизий шоҳкўчаси, «Марказий» деҳқон бозорининг (озиқ-овқат) шимолий қисми ҳудудида жойлашган, «TERMIZ-LIMON-GLOBAL-SAVDO» МЧЖга тегишли, умумий майдони 80,19 кв.м., 2009 йилда қурилган, А-литердаги савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 60 730 000 сўм.***
Аукцион савдоси 2014 йил 1 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2014 йил 28 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (0-376) 221-77-94. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1803R/1453


# Археологияга оид китоблар ҳафталиги

*Пойтахтимизда археология фанига оид китоблар кўргазмаси иш бошлади. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси музейида очилган ушбу кўргазмада кутубхонанинг “Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга” бўлими фондида сақланаётган қадимий китоб ҳамда альбомлар, археология тарихига доир ҳужжатлар намойиш этилмоқда.*

ТАДБИР

Эътиборли томони, ушбу китобларнинг аксарияти машҳур археолог, тарихчи, этнограф, шарқшунос олимлар муаллифлигида ёзилган. Кўргазмага қўйилган асарлар ҳамда тарихий суратлар археология соҳасининг ўзига хос ривожланиш босқичлари, соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади. Шунингдек, кўргазмада Ғарбий Европадан Узоқ Шарққа қадар ўрганилган археологик маълумотларга ҳам кенг ўрин берилган.

**Гулжаҳон СЕЙТНАЗАРОВА.**

“Ўзагросаноатлойиҳа” МЧЖ жамоаси ходим Миркомил Тўраевга волидаи муҳтарамаси **НАЗИРА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби жамоаси махсус фан ўқитувчиси Елена Вишинскаяга отаси **Виктор ВИШИНСКИЙнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

WWW.XS.UZ

Футбол бўйича Ўзбекистон қизлар терма жамоаси (U19) Осиё чемпионати саралаш турнирида муваффақиятли иштирок этиб, 2015 йилда Хитойда ўтказиладиган қитъа биринчилигида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 952 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5